

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ҚОНУНИ

«СУВ ВА СУВДАН ФОЙДАЛАНИШ ТЎҒРИСИДА»ГИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚОНУНИГА ЎЗГАРТИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИШ ҲАҚИДА

Қонунчилик палатаси томонидан 2021 йил 10 августда қабул қилинган
Сенат томонидан 2021 йил 21 октябрда маъқулланган

1-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 6 майда қабул қилинган «Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида»ги 837-XII-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 йил, № 5, 221-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 йил, № 4-5, 126-модда; 1998 йил, № 9, 181-модда; 2000 йил, № 7-8, 217-модда; 2001 йил, № 1-2, 23-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, № 12, 604-модда; 2009 йил, № 12, 472-модда; 2011 йил, № 1, 1-модда, № 9, 247-модда; 2013 йил, № 4, 98-модда; 2014 йил, № 9, 244-модда; 2016 йил, № 12, 383-модда; 2017 йил, № 9, 510-модда; 2018 йил, № 4, 224-модда, № 7, 431-модда; 2019 йил, № 5, 261-модда, № 11, 791-модда; 2020 йил, № 9, 539-модда; 2021 йил, 4-сонга илова) қуйидаги ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсин:

1) 2¹-модда:

саккизинчи хатбошисидаги «сув объектидан» деган сўзлар «сув объектидан ёки сув хўжалиги объектидан» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

қуйидаги мазмундаги ўн бешинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

«сув хўжалигининг фойдаланувчи ташкилотлари — сув хўжалиги объектларидан фойдаланувчи сув хўжалигининг фойдаланувчи ташкилотлари (туманларнинг ирригация бўлимлари, ирригация тизими бошқармалари, магистрал каналлар (тизимлар) бошқармалари, насос станциялари ва энергетика бошқармалари, мелиоратив экспедициялар, сув омборларидан ва йирик гидротехника иншоотларидан фойдаланиш бошқармалари, Қорақалпоғистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги ирригация тизимлари ҳавза бошқармалари)»;

ўн бешинчи — ўн тўққизинчи хатбошилари тегишинча ўн олтинчи — йигирманчи хатбошилар деб ҳисоблансин;

қуйидаги мазмундаги ўн тўққизинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

«сув етказиб берганлик ва бошқа сув хўжалиги хизматлари учун ҳақ тўлаш — сув таъминоти ташкилотлари (сув хўжалигининг фойдаланувчи ташкилотлари, сув истеъмолчилари уюшмалари ва бошқалар) томонидан кўрсатиладиган сув етказиб бериш бўйича хизматлар ва бошқа сув хўжалиги хизматлари (сув хўжалиги объектларини таъмирлаш, сувни тежайдиган суғориш технологияларини жорий этиш, сувни бошқариш ва ҳисобга олиш воситаларидан фойдаланишда кўмаклашиш) учун шартнома асосида тўловларни амалга ошириш»;

ўн тўққизинчи ва йигирманчи хатбошилари тегишинча йигирманчи ва йигирма биринчи хатбошилар деб ҳисоблансин;

2) 6-модда:

саккизинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«сув хўжалиги соҳасида давлатлараро муносабатларни ривожлантириш»;

қуйидаги мазмундаги тўққизинчи ва ўнинчи хатбошилар билан тўлдирилсин:

«сув хўжалигини ривожлантириш, сувдан оқилона фойдаланиш, сувдан самарали фойдаланиш, сув танқислигининг салбий таъсирини юмшатишга қаратилган чора-

тадбирларни амалга ошириш, сув ва сувдан фойдаланишга доир бошқа дастурларни тасдиқлаш;

сувни тежайдиган технологияларни жорий этишни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тартибини тасдиқлаш»;

тўққизинчи хатбошиси ўн биринчи хатбоши деб ҳисоблансин;

3) 7-модда:

қуйидаги мазмундаги бешинчи ва олтинчи хатбошилар билан тўлдирилсин:

«сувни тежайдиган технологияларни жорий этиш бўйича аниқ йўналтирилган рўйхатларни шакллантириш ва тасдиқлашда, шунингдек уларнинг амалга оширилишини назорат қилишда қўмаклашиш;

сув истеъмолчилари уюшмаларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига риоя этилишини таъминлаш, суғориш ва коллектор-дренаж тармоқларини таъмирлаш ҳамда тиклаш, томорқа ерларига сув етказиб бериш тадбирларини амалга оширишда қўмаклашиш»;

бешинчи ва **олтинчи хатбошилари** тегишинча еттинчи ва саккизинчи хатбошилар деб ҳисоблансин;

4) 8-модданинг **иккинчи қисмидаги** «Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги» деган сўзлар «Сув хўжалиги вазирлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

5) 9-модданинг **иккинчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Сувдан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш устидан давлат назоратини маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекцияси, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги ҳузуридаги Ичимлик сувидан фойдаланишни назорат қилиш инспекцияси қонунчиликда белгиланган тартибда амалга оширади»;

6) 11-модда **биринчи қисмининг** ўзбекча матнидаги «оқинди» деган сўз «оқова» деган сўз билан алмаштирилсин;

7) 16-модданинг:

биринчи қисми қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Сув объектларидан ўтадиган кўприklar, ўтиш йўлларини ва бошқа транспорт коммуникацияларини қуриш ҳамда реконструкция қилиш лойиҳалари сув хўжалиги, экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, сув хўжалиги объектларининг хавфсизлигини назорат қилиш органлари, Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги ҳамда зарур ҳолларда, энергетика, архитектура ва қурилиш органлари, Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги билан (дарё транспорти юзасидан) келишиб олиниши лозим, шунингдек тошқин сувларини ўтказиб юборишни, сув объектларидан фойдаланиш режимини, сувларнинг ифлосланишига, булғанишига ва камайиб кетишига йўл қўймасликни, уларнинг зарарли таъсирининг олдини олишни таъминловчи тадбирлар ўтказилишини назарда тутиши керак»;

иккинчи қисмидаги «қишлоқ ва» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

8) 18²-модда:

тўртинчи қисмидаги «қишлоқ ва сув хўжалиги органлари» деган сўзлар «сув хўжалигининг фойдаланувчи ташкилотлари» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

қуйидаги мазмундаги бешинчи ва олтинчи қисмлар билан тўлдирилсин:

«Сув истеъмолчилари уюшмаларининг фаолиятини молиялаштириш ўз аъзоларининг ҳар йиллик аъзолик бадаллари, шартнома асосида сув етказиб берганлик ва бошқа сув хўжалиги хизматлари учун тўловлар, шунингдек қонунчиликда тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан амалга оширилади.

Сув истеъмолчилари уюшмалари сувдан фойдаланиш қоидалари бузилган, сувдан мақсадсиз фойдаланилган тақдирда, шунингдек лимитдан ортиқча сув олинган, аъзолик бадаллари, сув етказиб берганлик ва бошқа сув хўжалиги хизматлари учун тўловлар ўз вақтида тўланмаган тақдирда, қонуннинг ҳамда шартнома шартларининг аниқланган бузилишлари бартараф этилгунига қадар сув истеъмолчиларига сув етказиб беришни тўхтатишга ҳақли»;

9) 19-модданинг **матни** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Сув объектлари ёки уларнинг қисмлари сувдан фойдаланиш объектлари бўлиши ва қонунчиликда белгиланган тартибда давлат-хусусий шериклик принциплари ҳамда бошқа шартлар асосида фойдаланишга берилиши мумкин, бундан сув омборлари, сел-сув омборлари, шунингдек йирик ва алоҳида муҳим сув хўжалиги объектлари мустасно»;

10) 21-модданинг:

тўртинчи қисмидаги «Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги» деган сўзлар «Сув хўжалиги вазирлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

саккизинчи қисмидаги «қишлоқ ва» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

ўнинчи қисмининг ўзбекча **матнидаги** «Оқинди» деган сўз «Оқова» деган сўз билан алмаштирилсин;

11) 27-модданинг **иккинчи** ва **учинчи қисмлари** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Табиий сув объектларининг сувидан махсус фойдаланиш ёки уларнинг сувини махсус истеъмол қилиш учун рухсатнома ер усти сувлари бўйича — сув хўжалиги органлари билан келишилган ҳолда экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш органлари, ер ости сувлари бўйича — геология ва минерал ресурслар органлари томонидан берилади.

Сунъий сув объектларининг сувидан махсус фойдаланиш ёки уларнинг сувини махсус истеъмол қилиш учун рухсатнома:

Қорақалпоғистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлигига, ирригация тизимлари ҳавза бошқармаларига, магистрал каналлар (тизимлар) бошқармаларига, сув омборларидан фойдаланиш бошқармаларига, трансчегаравий сув объектларидан, вилоятлараро аҳамиятга молик сув объектларидан, катта ва алоҳида муҳим сув хўжалиги объектларидан фойдаланувчи ташкилотларга, насос станциялари, энергетика ва алоқа бошқармаларига, мелиорация экспедицияларига, шунингдек бошқа сувдан фойдаланувчиларга ва сув истеъмолчиларига — республика ёки вилоятлараро аҳамиятга молик сув объектларидан Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги томонидан;

ирригация тизимлари бошқармаларига, шунингдек бошқа сувдан фойдаланувчиларга ва сув истеъмолчиларига — вилоят ёки туманлараро аҳамиятга молик сув объектларидан Қорақалпоғистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги, ирригация тизимлари ҳавза бошқармалари томонидан;

сув истеъмолчилари уюшмаларига, шунингдек бошқа сувдан фойдаланувчиларга ва сув истеъмолчиларига — туман аҳамиятига молик сув объектларидан туман (Қувасой шаҳар) ирригация бўлимлари томонидан;

ўзлари хизмат кўрсатадиган зонада жойлашган фермер ва деҳқон хўжаликларига, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига ҳамда бошқа сув истеъмолчиларига — қишлоқ хўжалиги эҳтиёжлари учун сув объектларидан туман (Қувасой шаҳар) қишлоқ хўжалиги бўлими билан келишилган ҳолда сув истеъмолчилари уюшмалари томонидан берилади»;

12) 29-модданинг **матнидаги** «қишлоқ ва» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

13) 30-модданинг **иккинчи қисмидаги** «қишлоқ ва» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

14) 31-модданинг:

биринчи қисмидаги «вақтинча фойдаланиш» деган сўзлар «вақтинча, шу жумладан давлат-хусусий шериклик асосида фойдаланиш» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

учинчи қисми қуйидаги таҳрирда баён этилсин: